

ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ  
ЗАРУРАТИ.

**Бахриддинов Нодирбек Замирдинович**

*НамМҚИ, иқтисодиёт ва бошқарув факультети,  
иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.ф.д (PhD).*

**Аннотация:** Мақолада саноат корхоналарида инновацион фаолиятни амалга оширилиши уни молиявий рағбатлантириш механизми билан боғланган концептуал ёндашув асосида таҳлил қилинган.

**Аннотация:** В статье инновационных деятельности промышленных предприятий проанализирована во взаимосвязи с механизмом ее финансового стимулирования на основе концептуального подхода.

**Калит сўзлар:** инновация, инновацион фаолият, молиявий рағбатлантириш, молиялаш, инновация турлари.

**Ключевые слова:** инновация, инновационная деятельность, финансовое стимулирование, финансирование, виды инноваций.

Ҳозирги шароитларда бизнеснинг рақобатбардошлилигига эришиш инновацион фаолиятнинг фаоллаштирилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки инновацияларнинг яратилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларининг кўпайтирилиши, маҳсулотга янги истеъмол хусусиятларни бериб борилишигина ички ва ташқи бозорларда муваффақиятли рақобатлашишни таъминлай олади.

Инновацион фаолият молиявий –иқтисодий муносабатлар доирасида амалга оширилади ва ўзининг аниқ кўзланган молиявий мақсадига ҳам эга бўлади. Бу бозор муносабатлари ҳуқумрон ёки устун бўлгани учун иқтисодиёт учун одатий ҳол. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарида инновацион жараёнлар амалга оширилишини таъминлашда инновацияларни молиявий таъминлаш ёки унинг марказида турувчи инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириш механизми ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Инновацион ривожланишни тадқиқ этиш, аввало, инновациялар, инновацион жараён ва унинг таркибий қисмлари, инновациялар туркумланиши, инновацион лойиҳа ва унинг тавсифи каби тушунчаларнинг кўриб чиқилишини тақозо этади. Мазкур иқтисодий категорияларнинг моҳиятини таҳлил этишга таянган ҳолда корхоналар инновацион ривожланишини молиявий рағбатлантириш замонавий концепциясини асослаш мумкин.

Инновацияларнинг энг кенг тарқалган таърифларини келтирамиз. “Инновация” атамасини илмий муомалага биринчи бўлиб австриялик олим Йозеф Шумпетер киритди. У инновацияни тадбиркорнинг фойда олиши учун



восита ёки куроли деб қаради. Унинг фикрича, иқтисодий ҳаётдаги конъюнктуравий тебранишларнинг манбаи “жўшқин тадбиркор”дир. [1]

Кўпчилик ҳолларда инновация инновацион фаолиятнинг провард натижаси сифатида, унинг бозорга киритилган маҳсулотда мужассамлашуви сифатида қаралади. Бундай ёндашув қатор россиялик тадқиқотчиларга хос. [2]

Инновацияни инновацион жараённинг натижаси сифатида таърифланиши ўринли бўлсада, инновация фақат янги маҳсулот, технология, ижтимоий хизмат ёки “истеъмол қиймати” да ифодаланиб қолмайди. У барча ҳолларда тайёр маҳсулотни сотишнинг янги усулларида, маркетингда, таъминотда ва ишлаб чиқаришнинг ташкил топишида ҳам ифодаланади.

Тадқиқотчилар “янгилик киритилишни”, “янгилик” ва “инновация” атамаларини синонимлар сифатида ҳам қўллайдилар. Фикримизча, бу атамалардаги умумийликни инкор этмаган ҳолда уларни фарқлаш ҳам лозим. Янгилик тадқиқотлар, ишланмалар ёки тажриба-синовларнинг расмийлаштирилган натижаси, аниқроқ айтганда муайян фаолият самарадорлигини оширувчи натижани тушуниш лозим. Янгилик патент, ихтиро, кашфиёт, товар белгиси, такомиллаштирилган ёки бутунлай янги маҳсулотга олинган ҳужжатлар сифатида расмийлаштирилиши мумкин.

“Янгилик киритилиши” ёки “киритилган янгилик” қўлланилаётган янгиликни, яъни жорий этилган ва инновация шаклига айланиб бораётган янгиликни билдиради. Бундай ёндашувда янгилик киритилиши инновацион жараённинг босқичларидан биридир. Албатта, инновацион жараён давом эта олиши учун янгилик киритилиши ижобий натижалар бера олиши лозим.

Демак, бизнес объектини янгилик киритиш йўли билан иқтисодий, экологик ва ижтимоий самара олиш учун ўзгартиришнинг натижаси деб қаралади.

Янгилик, янгилик киритиш ва инновация категорияларининг мазмуни қисқача 1-жадвалда ёритилган.

### 1-жадвал

**Янгилик, янгилик киритиш ва инновация категориялари мазмуни ва хусусиятлари тавсифи.**

Категория номланиши	Жараёндаги ўрни	Мазмуни	Хусусияти
Янгилик	Кириш босқичи	Патент, ихтиро, кашфиёт, янги усул ва ҳ.к.	Янгилик мавжудлиги.
Янгилик киритилиши	Оралиқ босқич	Янгиликни киритиш ундан фойдаланиш	Янгилик моддийлашуви
Инновация	Яқунловчи босқич	Янгилик ёйилиши	Зарур натижага эришилиши

Ушбу жадвалда акс этирилган категориялар ўзининг молиявий мазмунига ҳам эга. Янгилик одатда жуда катта молиявий қўйилмаларни талаб

этмайди. Унинг молиявий натижалари ҳам ҳали аниқ молиявий ҳисоб-китобларда акс этмаган. Аниқроқ айтилса, сарфланган маблағлар аниқ кўриниб турсада, улар келгусида кутилаётган молиявий оқимлар (кирувчи оқимлар) ни тўғридан - тўғри ифодалаб бера олмайди. Янгилик киритилиши харажатлар оқимига батафсилроқ тус беради, моддий натижалар аниқланади, лекин иқтисодий нафлилик мавжудлиги кўриниб турсада, унинг ўсиб борувчи кўламлари ҳали аниқ ифодаланмаган бўлади. Инновация категорияси эса молиявий нуқтаи назардан барча харажатлар ва даромадлар оқимларини етарли даражада батафсил акс эттиради. Шу билан бирга у салмоқли молиявий қўйилмаларга таянади. Айнан кутилаётган иқтисодий наф инновацияни амалга оширувчиларни энг кучли равишда молиявий рағбатлантиради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, инновацияларни янги хусусиятларга эга бўлган (янги маҳсулот, янги материаллар, жараёнлар, усуллар ва х.к.) янги моддий ва номоддий неъматлар сифатида қараш мумкин. Айни пайтда инновация жараён ҳамдир. Чунки у янгиликларни ишлаб чиқариш, ўзлаштириш, ёйиш ва янгиликлардан фойдаланиш жараёнини ҳам билдиради. Шу маънода инновацион жараён ва инновацион фаолият вақт ўлчамида ривожланади, босқичларни босиб ўтади.

Ривожланаётган иқтисодиётда инновацияни кенгроқ маънода тушуниш лозим. Бу ерда эришилган тараққиёт босқичга нисбатан ишларб чиқарувчи кучлардаги ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ҳар қандай илғор ўзгаришлар инновацион мазмунга эга бўлади. [3]

Инновацияларни технологик ва нотехнологик инновацияларга ажратиш мумкин. Технологик инновациялар ишлаб чиқариш натижаларида тўғридан-тўғри ифодаланади. Уларга ишлаб чиқариш усуллари, воситалари ва технологиялари билан ўзгаришлар киради. Технологик инновациялар технологик тараққиётнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун тадқиқотчилар кўпинча айнан уларга эътибор қаратадилар.

Иқтисодий адабиётларда кўпчилик ҳолларда инновацияларни туркумлашга моддий-буюмли мезонлар бўйича ёндашиб, уларнинг қуйидаги турларини қайд этадилар :

- маҳсулот инновациялари (ишлаб чиқариш ёки истеъмол соҳаларидаги янги маҳсулот);
- технологик инновациялар (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологияси);
- ташкилий - бошқарув инновациялари (ишлаб чиқаришни бошқариш ва ишларни ташкил этишнинг янги усуллари);
- ижтимоий инновациялар.

Охирги уч турдаги инновацияларни жараёний инновациялар деб аташ ҳам мумкин. Бундай инновациялар ҳам харажатларни пасайтиришга, қўшимча фойда олишга имконият яратади. Чунки улар натижасида ҳам янги

маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ёки мавжуд маҳсулотлар сифати яхшиланади. Шундай бўлсада, янгиликларнинг асосий тури маҳсулот инновациялари кўринишидир. Қайд этиш лозимки, одатда ҳар қандай инновация бир вақтнинг ўзида турли комбинацияларда тўртта кўрсатилган белгиларнинг барчасини ўзида мужассамлаштиради.

Инновацияларга молиявий рағбатлар амал қилиши нуктаи назардан маҳсулот инновациялари жозибадорроқ бўлади. Чунки янги маҳсулот унинг рақотатчилари пайдо бўлгунга қадар бозорда устунроқ мавқега эга бўлган ҳолда тезроқ юқори фойда олиш имконини беради. Технологик инновация бозорда аввалдан ўз ўрнига эга бўлган маҳсулотлар учун аҳамиятли. Маҳсулотни арзонлаштириш ёки сифатини яхшилаш орқали тегишли молиявий натижаларга эришиш мумкин бўлади. Одатда технологик янгиланиш молиявий муносабатлар ва алоқалар жихатидан ҳам анча мураккаб жараён бўлади.

Юқоридагилардан фарқли равишда ташкилий бошқарув инновациялари кўпчилик ҳолларда ўта салмоқли молиявий маблағларни талаб этмайди. Лекин унинг инсон омили ва инсон капитали ишга солиниши билан боғлиқлиги унга хос молиявий рағбатлантириш механизминини ҳам жиддий равишда мураккаблаштиради.

Ижтимоий инновациялар тўғридан-тўғри молиявий натижа бермайди. Аниқроғи молиявий натижалардан молиялаштирувчилар эмас, балки истемолчилар асосан баҳраманд бўладилар. Лекин бундай инновациялар корхонанинг жамиятдаги мавқеи ва шу орқали бозордаги мавқеи учун аҳамиятлидир.

Кўпчилик ҳолларда, ўзларининг молиявий имкониятларига боғлиқ ҳолда, кичикроқ кўламдаги саноат корхоналари маҳсулот инновацияларига, ўрта корхоналар технологик инновацияларга, йирик корхоналар эса ижтимоий инновацияларга мойилроқ бўладилар. Ижтимоий инновациялар тўғридан-тўғри молиявий-иқтисодий наф келтирмасда, маҳсулот инновациялари ёки технологик инновацияларнинг натижадорлигини оширишга ва тезлаштиришга ёрдам беради.

Молиявий - иқтисодий нуктаи назардан инновацияларни характерловчи илмий-техникавий ривожланишни корхона миқёсида технологик жараён инновацияси ва маҳсулот инновацияси сифатида кўриб чиқилиши лозим. Бундай ёндашувда технологияни янгилаш ва маҳсулотни янгилаш ўзаро уйғунлаштирилади, жумладан мазкур жараёндаги масалаларни ҳал этишда молиявий оқимларнинг оптимал йўналишлари аниқлаб олинади. Бошқачасига айтганда, ишлаб чиқариш техник-технологик даражасини янгиланиши молиялашни маҳсулот ҳаёт цикли босқичларига монанд ҳолда амалга оширилишини таъминлайди. Фойда келтириш ёки молиявий натижа бўйича узоқ муддатли давр учун янги технологияларга инвестициялар самарали деб ҳисоблайдилар. Лекин айнан шу йўналишда молиявий тусдаги хатарлар даражаси юқорироқ бўлади. Шунинг учун инвесторлар технологик

инновацияларга эҳтиёткорлик билан ёндашадилар, илгари синалган технологияларни афзал кўрадилар. Масаланинг яна бир молиявий жиҳати шундаки, бу йўналишнинг капитал талаблиги юқори ва камроқ иш кучини талаб қилади.

Ҳар қандай корхона инновацион фаолиятининг натижаси муваффақиятли ва самарали бўлиши кўп жиҳатдан уни молиялаштириш манбаи ва усулларини аниқлашга боғлиқ. [4]

Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни яхши асосланган тизимини яратиш, молиявий маблағларни жамғариш ва инновацион ҳаракатлар учун сарфлашга шароит яратади. [5]

Инновацион фаолиятни молиялаштириш – янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаштириш, тадқиқ этиш ва ташкил қилиш, янги турдаги техника ва технологияларни, иш ва хизматларни яратиш ва жорий этишга йўналтирилган пул маблағларидан фойдаланишдир. [6]

Россиялик тадқиқотчи А.И. Пригожин томонидан кўп йиллар муқаддам таклиф этилган инновациялар классификацияси эътиборга лойиқ:

1. Тарқалганлиги бўйича : ягона ва ейилувчан инновациялар. Ўрнини босувчи инновациялар.

2. Ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни бўйича : боғловчи, маҳсулот ва хомашё инновациялари.

3. Аввалги инновацияларга нисбатан ўрни бўйича : бекор қилувчи, йўл очувчи, ортга қайтувчи, ўтмишдагиларни қирувчи, ўрнини босувчи инновациялар.

4. Бозордаги улушни эгаллаш бўйича : стратегик, тизимли ва локал инновациялар.

5. Янгиллиги даражаси ва инновацион салоҳияти бўйича : такомиллаштирувчи, камбинатор ва радикал инновациялар. [7]

Охириги икки йўналиш инновацияларнинг молиявий - иқтисодий мазмунига асосланади ва молиявий қарорлар қабул қилинишида устувор аҳамиятга эга.

Россия тизимли тадқиқотлар илмий тадқиқот институти тадқиқотчилари классификациясида инновациялар савдо, ишлаб чиқариш, иқтисодий, технологик ва бошқарув соҳаси инновацияларига ажратилади. [8]

Инновацияларнинг юқорида қайд этилган туркумланишларига таянган ҳолда масалага бошқачароқ ёндашиш ҳам мумкин деб ҳисоблаймиз. Фикримизча инновациялар қуйидаги белгилар бўйича турларга ажратилиши мумкин.

Эҳтиёжлар қондирилишида: мавжуд эҳтиёжларни қондирувчи ва янги эҳтиёжларни қондирувчи инновациялар.

Фан-техника тараққиётидаги ўрни бўйича : технологик, техникавий, ташкилий ва ижтимоий инновациялар.

Қамрови бўйича : глобал, миллий, минтақавий, маҳаллий ва локал инновациялар.

MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

Қўлланиши соҳаси бўйича : маҳсулот, жараён ва бозор инновациялари.

Фикримизча, маркетинг тадқиқотларига асосланган молиявий таҳлил олиб борилишига қараб ҳам инновацион фаолият босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. молиявий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда бозорда мавқега эга бўла олиш мумкинлига;
2. янги маҳсулотни лойиҳалаш , харажат ва даромадларни чамалаш;
3. янги маҳсулотни бозорда синаш;
4. бозорга кириш;
5. янги маҳсулот бўйича молиявий бошқарувни олиб бориш.

Инновацион фаолиятни молиялаштиришни ташкиллаштириш тамойиллари, аввало уларни молиялаш манбаларини кўплиги ва турли – туманлигига асосланади. [9]

Бозор иқтисодиёти шароитларида инновацияларни уларни молиялаш манбаларидан, молиявий рағбатлантириш механизидан ажратган ҳолда тадқиқ этилиши ўринли эмас. Чунки инновациялар барча ҳолларда моддий-технологик ёки ижтимоий нафлилик билан бир қаторда молиявий мазмунга ҳам эга. Юқоридаги белгилар бўйича классификациялаш ҳам аслида ҳар бир турдаги инновация молиявий таъминланган ва молиявий наф келтиради деган фарзга асосланган.

Мамлакатимизда инновацион инфратузилмани ривожлантириш эвазига инновацион салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш, шунингдек , иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш имкониятлари пайдо бўлади. У айти пайтда миллий иқтисодиёт тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.[10]

Демак, инновацион фаолият амалга оширилиши жараёнида уни молиявий рағбатлантириш механизимини оқилона йўлга қўйилиши ўта муҳим аҳамият касб этади.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :**

1. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М., Прогресс, 1982. С.152.
2. Инновационный менеджмент. Учебник для вузов по специальности менеджмент. 3-е перераб и доп. С.Д.Илынова; Л.М.Гохберг -Москва : ЮНИТИ-ДАНА, 2007. С.334.
3. I.Sirojiddinov, I.Xodjibaeva. Features of investment process in the economy in the conditions of the coronavirus pandemic. - EPRA International Journal of Multidisciplinary Research-Peer Reviewed Journal. July 2020.
4. Бахриддинов Н.З. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни молиялаштириш ҳолати // “BIZNES – ЭКСПРЕС” илмий электрон журнал. №6(126) – 2018.

MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

5. Ильядков А.В. Проблемы финансирования инновационной деятельности предприятия // “Современные исследования социальных проблем” электронный научный журнал. №1, 2012.

6. Бахриддинов Н.З. Корхона инновацион фаолиятини молиялаштириш масалалари // “Бозор, пул ва кредит” илмий амалий журнал. №3/2018. 56 – 59 бет.

7. Пригожин А.И. Нововедения : стимулы и препятствия.- Москва, Политиздат, 1989.

8. Управление исследованиями, разработками и инновационными проектами. Под ред. С.В.Валдайцева. – СПб, издательства СПб унив., 1995.

9. Бахриддинов Н.З. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва молиялаштириш тамойиллари // “Бозор, пул ва кредит” илмий амалий журнал. №9/2018. 68 – 69 бет.

10. Расулов Н.М. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг шарт-шароитлари ва асосий йўналишлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал, № 6, ноябрь-декабрь, 2015 йил.

